

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Навоий шаҳри

04.04.2023 йил

хххххх-сонли иш

Судья Б.Раджабов раислигида даъвогар ххх манфаатида, жавобгар хххдан хх сўм асосий қарз, хх сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризасини Ж.Рузикулов котиблигида Навоий шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси С.Рашидов, даъвогарнинг вакили Б.Саматов (04.01.2023 йилдаги х-сонли ишончнома асосида)лар иштирокидаги очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб

### АНИҚЛАДИ :

даъвогар ххх манфаатида судга даъво билан мурожаат қилиб, жавобгар хххдан хх сўм асосий қарз, хх сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогарнинг вакили даъвони тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар тегишли равишда суд мажлиси жойи ва вақти тўғрисида огоҳлантирилган бўлсада суд мажлисида иштирок этмади.

Суд, жавобгар тегишли равишда огоҳлантирилган бўлсада суд мажлисида иштирок этмаганлиги сабабли ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд, иш хужжатларини ўрганиб, даъвогар ва прокурорнинг фикрини эшитиб, даъвони қисман қаноатлантиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад қилишни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Иш хужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида электр энергияси етказиб бериш шартномаси тузилган. Ушбу шартномага кўра даъвогар томонидан жавобгарга электр энергияси етказиб берилган. Жавобгар эса ушбу электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмасдан келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (қуйида матнда “ФК” деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 468-моддасига кўра энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Иш судда кўрилаётган кунда жавобгарнинг даъвогар олдидаги қарзи хх сўмни ташкил қилган. Ушбу ҳолат даъво аризага илова қилинган хужжатлар ва суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакилининг кўрсатмаси билан тасдиқланади.

Шу сабабли суд даъвонинг асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантиришни лозим топди.

Бундан ташқари даъвогар жавобгардан тарафлар ўртасида тузилган шартнома ва Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасига кўра ҳар бир



кечиктирилган кунлар учун муддати ўтган қарздорликнинг 0,4 фоиз миқдорида аммо 50 фоиздан ошмаган миқдорда хх сўм пеня ундиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 326-моддаси 1-қисмига кўра агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши керак, 2-қисмига кўра суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йилдаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли Қарорининг 4-бандида тушунтириш берилган.

Суд, пеня талаби тўғри ҳисобланган бўлсада тарафларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда пеня миқдорини камайтиришни ҳамда пеня миқдорини 1.150.218 сўмга қаноатлантиришни лозим топди.

Баён этилганларга кўра суд, даъвони қисман қаноатлантиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад қилишни, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал Кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб, суд

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ :

1. Даъвогарнинг даъвоси қисман қаноатлантирилсин.
2. Жавобгар хххдан даъвогар ххх фойдасига хх сўм асосий қарз, хх сўм пеня, хх сўм тўланган почта харажатлари ундирилсин.
3. Даъвогарнинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинсин.
4. Жавобгар ххх фермер хўжалигидан республика бюджетига хх сўм давлат божи ундирилсин.
5. Ҳал қилув қарори кучга киргач ижро варақалари берилсин.
6. Суд ҳужжатида норози бўлган тараф Кармана туманлараро иқтисодий суди орқали Навоий вилоят суди иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

Судья

Б.Раджабов

